

«Умид» жамғармаси грантларининг соҳибларига

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, сизларни энг тараққий топган давлатларнинг нуфузли университетларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Бу ютуққа ҳар бирингиз албатта машаққатли меҳнатингиз, ақл-заковат, қобилият ва мустаҳкам иродангиз туфайли эришганингиз табиийдир.

Мен шундан беҳад хурсандманки, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк мутафаккир ва алломалар муқаддас заминимизга сочиб кетган илму маърифат уруғлари бугун сиз ва сизга ўхшаган ёшлар тимсолида яна ҳосил бермоқда.

Бутун дунё танийдиган бу улуғ зотларга муносиб ворис бўлиб, ўз қадриятларимизни улуғлаб, жаҳон илму фани ютуқларини чуқур ўзлаштирган ҳолда ўзликни намоён этиш, эл-улусга хизмат қилишдек эзгу мақсад билан яшаш — ҳар қайси инсон учун юксак бахтдир.

Қаерда бўлсангиз ҳам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим: сизнинг меҳнатингиз, эришаётган ютуқларингиз, эртанги ҳаётингиз халқимизнинг, Ватанимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлади.

Меҳрибон ота-оналарингиз, ёру биродарларингиз, устоз муаллимларингиз, маҳалла-кўй, айниқса, қадрдон тенгдошларингиз сиз билан фахр этади, сизнинг йўлингизни кузатади ва она юртимизга қайтишингизни интизорлик билан кутади.

Шундай эътиборга доимо муносиб бўлинглар, азиз болаларим.

Бугун сизлар каби чет элларга билим ва тажриба ўрганиш учун кетаётганлар сони унчалик кўп эмас. Лекин мамлакатимиз бойиб, имкониятлари кенгайгани сари сизнинг сафларингиз ҳам кенгаяди, минг-минглаб ёшлар қаторингизга қўшилиб бораверади.

Бу орзу-умидларимиз албатта рўёбга чиқади, иншооло.

Кўп қатори мен шунга ишонаманки, сизлар ўқишни тугатиб, Ватанимизга қайтгач, ўз билим ва салоҳиятингиз билан Ўзбекистон равнақи, XX1 асрда юртимизнинг тараққий топган давлатлар сафидан жой олиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб ҳисса қўшасизлар.

Азиз фарзандларим!

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, сизларга оқ йўл тилайман. Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин, олижаноб интилишларингиз амалга ошишида боболаримизнинг руҳи мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Инвестиция, рақобатбардош маҳсулот ва экспорт

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасида 1999 йил 1 ярмидаги иқтисодий ислоҳотлар якунига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, республика инвестиция дастурини амалга ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш хусусида аниқ фикр билдирдилар. Ишларни давр талаби даражасига етказиш зарурлигини уқтирдилар. Андижонда Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари ишбилармонлари вакиллари иштирокида ўтказилган минтақавий семинар ана шу йўналишдаги ишларни жонлантиришга амалий жавобдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўринбосари Р. Муҳамедов, вазирликнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бош бошқармаси бошлиғи Э.Назаров, инвестиция лойиҳалари иқтисодий экспертизаси бошқармаси бошлиғи С.Ҳасанов ва бошқалар чет эл сармояларини жалб этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бозор талабларини ўрганиш масалаларида маъруза қилдилар. Иштирокчиларни қизиқтирган мавзуларда савол-жавоблар бўлди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 31 июль, шанба • № 88 (24.483).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХДП хабари

Байрам тараддуди

Мустақиллик куни, юртбошимиз таъкидлаганларидек, халқимизнинг энг азиз, энг буюк байрами. Унга бутун халқ, бутун мамлакат олдиндан пухта ҳозирлик кўриб, катта шодиёна сифатида нишонлайди. Ўзбекистон ХДП тузилмалари ҳам ушбу умумхалқ тадбиридан четда туролмайдилар.

Шу муносабат билан, партия Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Мустақиллик куни байрамини нишонлашдаги иштирокини кучайтириш вазифалари ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Унда партия ташкилотлари ва муассасаларининг вазифалари белгиланиб, уларни бажаришга доир тавсиялар берилди. Котибият, шунингдек, ХДП аъзолари ҳамда аҳоли ўртасида ўтказиладиган маъруза, суҳбат, мулоқот, анжуманларнинг Намунавий мавзулари рўйхатини маъқуллади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Голландиянинг Маастрихт менежмент мактабида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар

Владимир ПАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятида «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига риоя этилиши масаласи кўриб чиқилди. Қўмита раиси Ҳ. Тошев мажлисни очиб шуни таъкидлаб ўтдики, Тошкент вилоятида «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга риоя қилинишини ташкил этишга қаратилган муайян иш олиб борилмоқда, қишлоқда чинакам бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш чоралари кўрилмоқда.

Вилоятда Қонун талабларидан келиб чиқиб, жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) айлантириш юзасидан босқичма-босқич, режали ва аниқ мақсадли иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда вилоятда жами жамоа хўжаликларининг 25 фоизи ширкат хўжаликларига айлантирилди. Ширкат хўжаликларига айлантириш иши ихтиёрийлик асосида амалга оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ер участкалари изчил равишда оилавий (жамоа) пудрати шартномаси шартларида оилаларга вақтинча фойдаланишга топширилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидландики, янги ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳияти ва мақсадини етарлича англаб етмаслик қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг шакланиш жараёнини тўхтатиб турибди. Хусусан, Зангиота, Паркент, Тошкент, Чиноз, Янгийўл ва бошқа баъзи туманлардаги қишлоқ хўжалиги кооперативларида ширкатларнинг аъзоларига мулкий пайларни кооператив аъзолари ўртасида тақсимлаш принципларини тушунтириш юзасидан етарлича чоралар кўрилмаяпти. Жойларда маҳсулот сотиш учун ширкатлар томонидан давлат қайта ишлаш корхоналари билан тузилган хўжалик шартномаларига риоя этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилиши таъминланмаяпти. Ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари мавжуд бўлган кичик корхоналарни барпо этиш ҳисобига иш жойларини кўпайтириш юзасидан етарлича чора-тадбирлар кўрилмаяпти, қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ширкатлар аъзоларининг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш тадбирларини амалга оширишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Қабул қилинган қарорда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативларининг раҳбарларига қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш юзасидан аниқ мақсадли иш олиб бориш, янги хўжалик ижара муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш, ширкат аъзоларининг деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, уларга уруғлик, кўчатлар, ёш моллар ва паррандаларни сотиб олишда, агротехника ва ветеринария хизмати кўрсатишда, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишда ёрдам бериш тавсия қилинди. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) иш амалиётини ўрганиш ва умумлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш, иш тажрибаси айирбошланишини ташкил этиш, қишлоқда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш масалалари бўйича семинарлар ўтказиш таклиф қилинди.

Қўмита мажлисида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов сўзга чиқди.

Халқаро аэропорт мақоми берилди

Жаҳоннинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг сони ортиб бораяпти. Уларнинг кўпчилиги мустақиллик шарофати ила дунёга келган ва янги ҳаво йўналишларини очган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг хизматларидан фойдаланишмоқда. «А-310», «Боинг-767», «RJ-85» каби энг замонавий самолётларга эга бўлган авиакомпания йўловчилар манзилини яқин қилиб, улар парвозининг ёқимли ўтиши учун юксак даражада хизмат кўрсатмоқда.

Ҳукуматимиз, миллий авиакомпания раҳбарияти бу масалага янада катта аҳамият бераётир. Марказий Осиёдаги «асосий ҳаво дарвозалари» бўлмиш «Тошкент» аэропорти, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортларини реконструкция этиш юзасидан махсус инвестиция дастури ишлаб чиқилди. 1997 йилда Япония ҳукумати тарихий маданият марказларимиз жойлашган шаҳарлар аэропортларини модернизация этиш учун 17288 миллион япон йени миқдорида кредит ажратди. Миллий авиакомпаниямиз ва тендерда ғолиб чиққан «Мицуи — Мицубиси — Шимидзу» консорциуми ўртасида ана шу ишларни бажариш юзасидан битим имзоланди. Ишларнинг биринчи босқичи якунлангач, аэропортлар янги учиш-қўниш йўлкаларига, ёритиш-сигнал ускуналарига, самолётларни ИКАОнинг биринчи тоифаси бўйича қўндириш тизимларига эга бўлди, хорижий йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий терминаллар қурилди. Ҳозирги вақтда реконструкция ишларининг 2-босқичи қизғин давом этмоқда. «Лэрг Аларко Марубени» консорциуми амалга ошираётган ушбу лойиҳа ҳаво қатновини бошқариш ва команда-диспетчерлик пунктлари, радиолокатор станциялари биноларини қуриш ва ҳоказони ўз ичига олади. Янгиланган аэропортларимиз энди ҳар қандай русумдаги самолётларни бемалол қабул қила олади.

«Тошкент» ва «Самарқанд» халқаро аэропортлари жаҳон авиация ҳамжамиятига аллақачон маълум. Улар «Европа ва жаҳон аэропортлари халқаро ассоциацияси»нинг аъзолари ҳисобланади. Мана энди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан «Бухоро» ва «Урганч» аэропортларига халқаро аэропорт мақоми берилди.

Алишер РЎЗИЕВ

Пахтачиликда Исроил технологияси

Куни кеча Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Собиржон Сиддиқов номли жамоа хўжалигида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташаббуси билан мамлакатимизда Исроил технологияси асосида пахта етиштираётган хўжаликларнинг мутахассислари ва пахта уруғчилиги билан шуғулланаётган селекциячи олимлар иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунда С.Сиддиқов номли жамоа хўжалигида 100 гектар майдонда Исроил технологияси асосида ғўза парваришланмоқда. Ишлов бериш, озиқлантириш ҳамда томчилатиб суғориш каби тадбирлар ўз вақтида ўтказилаётганлиги боис экин баравж ўсмоқда.

Гарчанд республикамизда Исроил технологияси асосида бу йил биринчи маротаба 838 гектар майдонда пахта етиштирилаётган бўлса-да, олинадиган ҳосил чўғи 50 центнер атрофида бўлиши мўлжалланмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг матбуот хизмати

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Фирибгар ҳибсга олинди

Молдавияда Борис Лучинский деган шахс ҳибсга олинди. У мамлакат Президенти Пётр Лучинскийнинг жияниман, деб кўпгина оғир жиноятларни амалга оширди. Ўйлаб топилган қариндошлик натижасида бу фирибгар кўплаб хунук ишларни амалга оширди ва масъулиятдан осонгина қочиб қутилди. Бу ҳақда куни кеча журналистларга уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш департаментининг раҳбарлари айтишди. Полициянинг текширувига кўра ҳибсга олинган фирибгар давлат раҳбари оиласига ҳеч қандай қариндош эмас экан. Полициянинг айтишига кўра фирибгар тез орада суд қилинади ва қамоққа олинади.

Лайғоқчилар ушланди

Германияда Россиянинг ҳарбий сирларини сотишда гумон қилинаётган икки киши ҳибсга олинди. Улар тўрт йил давомида Россиянинг ҳарбий сирларини Германияда сотиб келганлар. Уларга айғоқчилик билан шуғулланганлик айби қўйилмоқда. Федерал прокуратуранинг хабарига кўра, ҳибсга олинганларнинг бири бизнесмен бўлиб, Ганновер аэропортида қўлга олинган. Бу бизнесмен Москвага учишга тайёргарлик кўраётган эди. Унинг ёнидан яширин ҳужжатлар чиқди. Ҳибсга олинганларнинг иккинчиси Мюнхен ёнидаги аэрокосмик фирмадаги ўз хонасида ушланди.

Олбрайтнинг айтганлари

Америка давлат котиби Мадлен Олбрайт Косово пойтахти Приштинда минглаб албанлар ҳузурида нутқ сўзлаб, Косово бундан буён қотилликлар майдонига айланиб қолмайди, деди. Олбрайт сабр-матонатли, қонунга асосланган ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган давлат тузиш зарурлигини айтди.

БМТ санкциясини бузмоқчи

Ҳиндистон БМТнинг санкциясини бузиб, Ироққа 25 миллион доллар миқдорида кредит ажратмоқчи. Куни кеча Ҳиндистон нефть ва газ вазири Рамамуртхи Багдодда кредит ҳақидаги шартномани имзолади. Унинг сўзларига қараганда Ҳиндистон Ироқни сиёсий, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқчи.

Ли Хунчжи қидирилмоқда

Хитой ҳукмрон доиралари кеча «Фалуньгун» диний ташкилоти раҳбари Ли Хунчжини ҳибсга олиш ҳақидаги ордерни берди. Бу одам доимий равишда АҚШда яшайди. Лекин у ноқонуний мажлисларни ташкил этиш ва Хитойдаги вазиятни издан чиқаришга уринганликда айбланмоқда. Шу муносабат билан Хитой Интерполга мурожаат қилиб, «Фалуньгун» раҳбарини ҳибсга олишда ёрдам беришни сўради.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Муқаддассан, муқаддас аёл

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: оналарни қандай севамиз, нега севамиз?

Эҳтимолки, бир парча этни қайноқ кўксида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга инсонни туҳфа этгани учундир.

Эҳтимолки, узун-узун оқшомларда бешик сиртига бош қўйиб, уйқусизлик азобидан ҳаловат топа билгани учундир.

Ёҳуд ҳаётингизга хавф солаётган қора булутлар ҳали уфқдан бош кўтармай оналик ҳиссиёти ила илғаб олиб, ёғий йўлига ғов бўлгани учундир.

Ҳаммаси бор гап, ҳаммаси ҳақиқат.

Аслида-ку аёл зотининг ўзи садоқат тимсоли. Ўзи офтобда куйса-да соя-салқинни бегига асрайдиган, уйининг «устуни»сиз бир луқма тамоғидан ўтмайдиган, бир қаришда ювош, мулойим, лекин жигарпораларини сиртлон каби ҳимоя этишга қодир аёллар тўғрисида достонлар битсангиз кам.

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гуноҳкорлар мингу, битта сенга тегар тош,
Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл.

Ҳассос шоиранинг ушбу ўтли мисралари бизга минглаб жасоратли ва андишали, жасур ва кечиримли, фидойи ва мурувватли момоларимиз ҳаётини ёдга солади. Фарзанди хунини олишга бел боғлаб аҳдига етган Тўмарис, ғурурини алпларга алишмаган Ойбарчин, не-не қалбларни лутфи-карами ила ҳаяжонга солган санам Зебуннисо, аҳли дониш Нодираи даврон, Увайсий, Анбар отин, Андижоннинг зукко қизи Саида бону Зуннуновалар билан фахрланмай бўладими? Улар ҳам аёл, ҳам миллатнинг орномуси эмасмидилар?

Аёлларимиз фақат ҳуснмалоҳат, шарм-хаё, ақл-заковатлардагина эмас, айни чоғда иймон-эътиқодда ҳам юксак турганлар. Фикримнинг исботига бир мисол келтирай. Тожикистоннинг Хатлон вилоятида хижрий 174 йили шаҳид қилинган авлиё Шақиқ Балхийнинг Эмина исмли қизи бўлган. У улғайиб эсини танигач, отасига мурожаат қилибди:

— Отажон, менинг исмим номуносиб қўйилибди. Ахир Эмин дегани ҳар нарсадан бехатар, бехавф маъноларини билдирмайдими? Холбуки, бу фоний дунёда хавф-хатарсиз мўмин бўлмас. Мен эса тўрт хавф орасидаман. Биринчиси — ўлим, иккинчиси — қилган амалларимизга яраша ё мукофот ёки жазо олиш, учинчиси — шайтони лаин ва тўртинчиси охиратимни билмаслигим...

Мусулмон оламининг ёрқин юлдузларидан саналмиш Ҳасан Басрийнинг замондоши Робияи Адвия ўша улуғ зотга уч нарса жўнатибди. Булар мум, игна ва соч толаси экан. Аҳли ҳикмат бу воқеани шундай шарҳлашган:

«Мум каби мулойим бўл ва ўзинг ёниб оламни мунаввар айла! Игна каби ялангоч қолсанг-да ўзгаларни кийинтир, бир-бирларига пайванд эт! Ва Аллоҳ таолога олиб борувчи йўл — худди соч толаси каби нозик ва ингичкадирким, тойиб йиқилишдан ҳушёр бўл!

Менинг бу битикларим бесабаб, бемаврид эмас. Бу далиллар Момо Ҳаволардан авлиё чиқмаган, пири комил етишмаган, олиму-фузалолар камол топмаган дея даво қилувчи ўжар ҳамжинсларимиз учундир. Зотан, исломда ҳам, дунёвий илмда ҳам аёлдир, эркакдир — баббаравар ҳикматдир».

Ахир муҳтарам Президентимиз Оила йилининг мантиқий давоми сифатида 1999 йилни бекорга Аёллар йили деб лутф этмади-да. Бу наинки миллатнинг сарварига хос фазилат, бу айни пайтда чинакам эр йигитга хос мардона хислат белгисидир.

Аёлларнинг қадр-қимматини улуғлаш Ўзбекистон сарҳадида шунчаки оилавий, шунчаки инсоний удум доирасидан чиқиб, умумдавлат миқёсида салоҳиятли дастурлар белгиланаётганлиги, оналар, опа-сингиллар меҳнати юксак эътозланаётганлиги — бевосита юртбошимиз ва Ўзбекистон ҳукуматининг ҳоҳиш-иродаси самарасидир. Бундай олижаноб сиёсатни қўллаб-қувватламаслик, белгиланган улуғвор вазифалар ривожига бутун вужуд-вужудимиз ила сафарбар бўлмаслик мумкинми. Асло!

Албатта булар давлат мақомидаги юксак режалар. Энди савол туғилади. Мамлакатимизда аҳолининг 51 фоизини аёллар ташкил этар экан. Демак, қолган 49 фоиз эрлар, хусусан балоғат ёшига етмаганларимиз ўз онамиз, опамиз, синглимиз, холавачча-ю, аммаларимизни нечоғли ҳурматлай олаяпмиз. Агар мен, сиз ёки бошқа биродарларимиз ўз аҳли-аёлимизни, яқинларимизни етарли даражада эъзозлашга фурсат тополмаётган бўлсак билингки, давлатимизнинг бу соҳада олиб бораётган саъй-ҳаракатларини тўла англаб етмабмиз. Бу йил эркаклар учун аёлларни кўз қорачиғидай асраш, авайлаш, эҳтиёт қилиш маданиятини ўрганиш йилидир. Бу йилнинг гўзал ибрати, тажрибаси, сабоғи йилларга татигуликдир.

Гўзаллик ва нафосатни севувчи ҳар бир инсон аввало оиласидаги аёлларга эътиборини кучайтирмоғи лозим. Биз париваш ҳақида ашъор битиб ўтирсак-у, турмуш ўртоғимиз оғир халталарни орқалаб бозор-ўчарга югурса, йил — ўн икки ой ўчоқ бошида ўз ёғига ўзи қовурилса, ёш гўдаклар орасида жони минг жонга бўлинса, томорқада нозик қадди-басти эгилса, эртароқ келиб мен билан бир лаҳза суҳбат қурармикан, дея кўзлари йўлингизга қадалса... Бундай «муҳаббат»нинг пуч ёнғоқчалик қадри қолармикан?!

Бу ҳаммаси эмас.

Эркаклар энг аввало аёлини уй бекаси сифатида кўрмоқликдан ўзларини тийиб, уларни энг яқин дўст, маслаҳатгўй, биродар ва содиқ ёр тимсолида ҳис этишлари лозим.

Аёлимиз билан фақат бола тарбияси, рўзғор ташвиши тўғрисида эмас, дунёвий ишлар, адабиёт, санъат, умуминсоний маданият мавзуларида ширин суҳбатлар қурмоқ пайти келмадими?

Бир даста гулдан бир кило гўштни афзал билган аёлимиз устидан кулмай, уни шу куйга солган ўзимизнинг ҳолимизга ачинмоғимиз зарур эмасми?

Сиз ўтирган давраларда унинг «ортиқча»лиги сезилиб қолдими, демак энг аввало ўзингиз айбдорсиз. Бу аччиқ ҳақиқатни бу йил тан олмасак қачон тан оламиз.

Борингки, рўзғор юмушлари билан андармонлиги учун аёлингиз сизга бепарво, эътиборсиз ҳолатга тушиб қолди. Билингки, оиладаги энг катта фожиа шу ва бунинг сабабчиси ўзингиз, ўзимиз. Чунки аёллар қандай севишни ўз жуфти ҳалолидан ўрганади. Сиз унинг учун ойна, у эса сиз учун.

Фарҳоднинг шижоати йўқ жойда Ширининг назокатини тополмайсиз.

Алпомиши қўрқоқ элда Ойбарчинлар туғилмас.

Билингки аёллар жуда сезгир, ориятли, вафодор ва қасоскор.

Эзоп айтганидай қулга қул бўлиш ёмон, илло аёлнинг нафратига дучор бўлишдан Аллоҳ асрасин. Ва аксинча остона хатлаб кўчага чиққан ҳар бир йигит энг аввало аёллар олқишига лойиқ, меҳр-ардоғига мушарраф бўлсин.

Аёллар йилида уларнинг ардоғини қилиб, чин ўзбек ўғлони, марди-майдон эр йигит деган юксак мақомга сазовор бўлайлик. Зеро, аёл муқаддасдир, аёл миллат келажагининг ижодкоридир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Давра суҳбати

Ёшлар — бизнинг умид ва келажагимиз!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг шу йил 20 июлдаги машғулоти «Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ватанимиз келажаги — ёш авлодни миллий истиқлол руҳи, замон талаблари ва жаҳон илғор тажрибаси асосида тарбиялаш тўғрисида» мавзуига бағишланди.

Унда:
Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг ўринбосари Ботир АЛИМУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта-таълим бош бошқармаси бошлиғи Марат ШАФИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармаси раиси Хотам АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Латиф ҒУЛОМОВ,
«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим СУЮН қатнашдилар.

* * *

Ҳар доимгидек, партия Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳар ва пойтахт туманлари кенгашларининг котиблари, масъул ходимлари, марказий матбуот нашрларида фаолият кўрсатаётган журналистлар иштирок этган семинарнинг ушбу машғулоти, одатдаги, яъни ягона маъруза ва савол-жавоблар шаклида эмас, балки, «Давра суҳбати» тариқасида ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, кириш сўзида, машғулот «Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ватанимиз келажаги — ёш авлодни миллий истиқлол руҳи, замон талаблари ва жаҳон илғор тажрибаси асосида тарбиялаш тўғрисида»ги долзарб мавзуда бўлиб ўтаётганини алоҳида таъкидлади. Жорий йилнинг 16 февралида Тошкент воқеаларини содир этган жиноятчилар, асосан, ёшлардан иборат бўлганлиги бугун барчага аён. Партиямиз, ташкилотларимиз, ҳар биримиз бу воқеалардан тегишли сабоқлар чиқаришимиз, ёшларни тарбиялаш борасида нималар ишлашимиз кераклигини чуқур англаб олишимиз лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари, маърузалари, асарлари, хусусан, юртбошимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига, «Ҳушёрликка даъват» номи билан матбуотда чоп этилган, жавобларида баён этилган қоида, хулоса ва вазифалар бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак. Шуни қайд этиш лозимки, яқинда партиямизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий мавсум — бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов мажлислари, шаҳар, туман, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари конференцияларида бу ҳақда батафсил ва ҳар томонлама фикр юритилди, қимматли таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мазкур мажлис ва анжуманларнинг барча иштирокчилари мамлакатимиз Йўлбошчиси раҳбарлигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, ислоҳотлар йўлини тўла-тўкис маъқулладилар ва 16 февраль воқеаларини қатъий қораладилар.

Ўйлаймизки, бу анжуманда билдирилган фикр ва мулоҳазалар келгуси ишимизда ижобий натижаларга эришишда катта аҳамиятга эга бўлади,— деди нотиқ, «давра суҳбати» иштирокчиларига сўз берар экан.

Хотам АБДУРАИМОВ:

Ёшлар тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз

— Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ўзининг низоми ва имкониятларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ёшлари ўртасида хилма-хил тарбиявий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Жумладан, унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари, «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» каби кўрик-танловлар республикамизнинг барча туман ,вилоят, шаҳарларидаги аксарият умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицейлар юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилганлиги сабабли, ёшлар орасида оммавийлашиб бормоқда. Ушбу кўрик-танловларни ўтказишимиздан асосий мақсадимиз ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни демократия ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли кучлар сафларига хизматга тайёрлаш, шунингдек ёшларни динга бўлган муносабатларини тўғри шакллантиришдан иборатдир.

Шунингдек, «Камолот» жамғармаси, ўз Низоми доирасида, ёшларимизни халқаро майдонга олиб чиқиш, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар имкониятларидан ёшларимиз манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш мақсадида, ташкилотимиз қошида ташкил этилган, «Ўзбекистон дўстлари» халқаро клубида махсус учрашувлар ўтказмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида Миср, Буюк Британия, Германия, Франция элчихоналари, Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ривожлантириш нодавлат ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. «Камолот» мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Конрад Аденауэр» жамғармаси, «Каунтерпарт Консорциум» (АҚШ) ташкилотларини жалб этган ҳолда қатор семинарлар ва турли йўналишлар бўйича ўқишлар ўтказиб келмоқда. Бир неча иқтидорли ёшларимиз Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда ташкил қилинган учрашувларда қатнашди.

Ишимизнинг яна бир жиҳати — жамғармамизнинг Андижон вилоят бўлими томонидан ташкил қилинган ёшлар форуми ва унинг бир неча учрашувлари ўтказилганини таъкидламоқчиман. Бунинг аҳамияти шундаки, унинг таркибида фақат намунали фаолият кўрсатаётган ёшлар эмас, балки, хулқатвори мураккаб бўлган, ҳатто, вояга етмаганлар нозирлиги (ВЕН) назоратидаги ўсмирлар ҳам иштирок этадилар ва мунозарада қатнашадилар. Форум қатнашчилари бугунги қадамларимизга тўсиқ бўлаётган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатлари ҳамда уларга қарши курашиш тўғрисида қизғин мунозара олиб боришди. Худди шундай учрашувлар Қашқадарё вилоятида, Тошкент вилоятининг Бўка, Бекобод, Оққўрғон туманларида, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар қатнашчилари Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларини чуқур таҳлил этишди.

Лекин, ҳали барча ишлар қониқарли ва жамғарма бошқаруви улардан мамнун, дейишга асос йўқ. Туманларда тажрибаси етишмайдиган, керакли билимлари кам жамғарма бўлимлари, жамоатчилик марказлари раислари ҳам оз эмас. Улар ишининг таъсирчанлиги анчагина сust. Айрим туманларда жамғарма ходимлари шу ердаги маъмурият, бошқа жамоатчилик ташкилотлар билан унумли ҳамкорлик йўлини тополмаганлиги ҳам ишга панд бермоқда. Президентимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясида айтганларидек, ёшлар тарбиясига бўлган муносабат кескин ўзгариши лозим, бу масалада масъулиятни ҳар бир онгли фуқаро сезиши даркор. Шунга эришсак, муваффақият ҳам келади.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ:

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — ёшлар келажагининг пойдевори

Истиқлол XXI асрда яшаб, меҳнат қилувчи ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида вояга етказиш ишига янгича талаблар қўйди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг кўзланаётган модели — бутун бир тизим, мустақил ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланиб, фақатгина мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи билан чекланмайди. У жамият ривожланишига, ёш авлодни тарбиялашга, мустақил фикрлайдиган, онгли шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Юртбошимиз баркамол авлодни, янги шахсни вояга етказиш ишида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тутган ўрни ва аҳамиятига шундай таъриф берганлар: «**...Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши жараёнини тезлаштиради**».

Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб, уларни бажаришга киришилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида ёш авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор берила бошланди. Ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юзага чиқариш, унинг ижтимоий фаоллигини ошириш орқали, жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамияти қуриш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини жадаллаштирилади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ўсишининг асоси — маърифатли бозорни шакллантиришга, башарти, фуқаролар, ўзларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятларининг ўсишидан манфаатдор бўлсаларгина эришилади. Узлуксиз таълимни шахс қобилиятларини очишга, унинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш орқалигина кўзланган мақсадга, натижага эришиш мумкин.

Миллий маданий-тарихий қадриятларни тиклаш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, ҳар бир инсон ва, умуман, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини очиш кадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидаларини амалга оширишда ва, пировард натижада, эркин фикрловчи ёш авлодни камол топтириш жараёнида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқаришдаги энг асосий омиллардан бири одамларни фикрлашдаги турғунликдан холи қилиш, янгича фикрлайдиган, истиқлолий дунё, қарашга эга бўлган педагоглар, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг янги авлодини тайёрлашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришда мустақил ва эркин фикрловчи шахс, фуқарони, мустақиллик ва демократия ғояларига садоқатли, ватанпарвар инсонни, малакали мутахассисни шакллантириши учун тегишли шарт-шароитлар яратилади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этадиган, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатадиган, мамлакат, халқ, оила тақдири учун масъулият ҳис қиладиган шахсни вояга етказиш — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош йўналишидир. Вазирлигимиз ушбу йўналишда мақсадга мувофиқ саъй-ҳаракатларни собитқадамлик билан амалга оширмоқда.

Марат ШАФИЕВ:

Бола — бошдан, таълим — ёшдан

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш бўйича нималарга асосий урғу беряпмиз?

Ҳаммамизга маълумки, то Дастур қабул қилингунга қадар, 9 ва 11-синфларнинг битирувчилари мактабда бирорта касбни эгалламасдан, ҳаётга қадам қўярди.

Вазиятни, таълим муассасалари ҳозирги бозор иқтисодиёти ва муносабатлари шароитида ўқувчиларга рақобатга бардош берадиган касб-ҳунарни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим эди.

Мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида қабул қилинган Дастурда таълим тизимида устувор вазифалар белгиланди. Жумладан, 6 ёшли болаларни ўқишга қабул қилиш, 9 йиллик мажбурий ва 3 йиллик ихтиёрий — мажбурий таълим тизимини жорий этиш, 9- синф битирувчиларини мазмунан янги турдаги 3 йиллик ҳунар ва умумтаълим мактабларига тўлиқ жалб қилиш, битирувчиларга, доимий яшаш жойлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2-3 турдаги касб-ҳунар бериш, таълим тизимининг ўрта поғонасини тубдан ислоҳ қилиш ва бошқа муҳим масалалар унда кўзда тутилган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг талабларидан бири ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш ва шу асосда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, таълимнинг ҳар бир босқичи (бошланғич, таянч, ўрта таълим) бўйича ўқувчиларнинг билимини аниқлайдиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизимини шакллантиришдир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан сўнг ўтган икки йилга яқин вақт давомида ҳамма даражадаги таълим бошқаруви органлари ва муассасалари жамоалари томонидан уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 май 203-сонли «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, ўқувчиларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, умумтаълим дастурларининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро узвий боғланишни таъминлашни назарда тутган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг янги авлоди яратилди.

Уларни ишлаб чиқишда мамлакатимизда ҳамда ривожланган демократик давлатларда мавжуд илғор тажрибалардан фойдаланилди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар 1998-99 ўқув йилида республикамизнинг 24 умумтаълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳамма ҳудудларида 322 шундай тажриба-синов майдонлари ташкил этилди.

Ўқув йили давомида ҳукумат қарорига асосан тасдиқланган республика комиссияси мажлисларида вазирлик буйруғи билан махсус ташкил этилган «Ахборот маркази» томонидан тайёрланган тажриба-синов натижалари ҳар чорак якунида муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб борилди. Таҳлил жараёнида янги ва амалдаги дастурлар қиёсланди, давлат таълим стандартлари ва дастурларнинг мутаносиблиги кўриб чиқилди, холис экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, янги дастурларни босқичма-босқич татбиқ этиш бўйича таклифлар муҳокама этилиб, тегишли хулосалар тайёрланди.

Ўқувчилар билимини назорат қилишда кўп балли рейтинг тизимига ўтиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда.

Ташхис марказлари ташкил топди.

Буларнинг ҳаммаси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётда татбиқ этиш мақсадида, ёшларнинг келажагини ўйлаб қўйилган дастлабки амалий қадамлар ҳосиласидир.

Ботир АЛИМУҲАММЕДОВ:

Меҳнат бозорига кўмак — биздан...

Меҳнат вазирлигининг бу соҳада олиб бораётган фаолияти мавжуд қонунчиликка асосланган бўлиб, қуйидаги йўналишлардан иборат: мурожаат қилган ишсиз ёшларни рўйхатга олиш, уларни бўш ва махсус ажратилган иш ўринларига жойлаштириш, қисқа муддатли касбий ўқишга ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш, ишсизлик нафақаларини тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар.

Фақатгина 1999 йилнинг биринчи ярмида жойлардаги бандлик хизмати биржаларига 120 минг, 16-30ёшдаги, фуқаро мурожаат этиб, рўйхатга олинган, улардан 62 фоизи ишга жойлаштирилди.

Шу билан бирга, меҳнат бозоридаги вазиятда, ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасида номутаносиблик мавжуд. Бир томондан, меҳнат бозорига чиқувчилар, ишсизлар таркибида муайян мутахассисликка эга бўлмаган, ўрта маълумотли, ёш шахсларнинг салмоғи юқоридир. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида меҳнат органларига иш қидириб мурожаат қилган 203 минг фуқаронинг 58 фоизини — 16-30 ёшдаги, 60 фоизини — ўрта маълумотли, 21 фоизини —ҳеч қандай касб-ҳунарга эга бўлмаган шахслар ташкил этди. Ваҳоланки, иккинчи томондан, иш берувчиларнинг юқори малакали ишчилар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Бундай вазият ва хусусиятни ҳисобга олиб, ёшларни иш билан таъминлашда асосий эътиборни қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ёшларни, айниқса, меҳнат бозорига илк бор кириб келувчи йигит-қизларни, касб-ҳунарга ўргатиш ва ўқитиш орқали, меҳнат бозорида шакллариб бораётган рақобатга тайёрлаш. Шу мақсадда, жойлардаги меҳнат органларининг йўлланмалари орқали, 1999 йил 1 июль ҳолатига кўра, 16450 ишсиз ёшлар касбий ўқиш ва қайта тайёрлашга, малакасини ўзгартириш ва оширишга юборилди. Улардан 6574 нафари — ўрта мактабни тамомлаган, касб-ҳунарга эга бўлмаган ёшлар «Устошогирд» усули билан ҳунармандчиликка жалб этилди. Бундан ташқари 48 минг ёш фуқароларга касб-ҳунарни танлаш ва эгаллаш бўйича бепул маслаҳатлар кўрсатилди.

Иккинчидан, ишсизликнинг олдини олиш, бунинг учун керакли микдорларда, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан, янги, замонавий технологиялар билан андозаланган, иш ўринларини яратиш, уларни авваламбор, қишлоқ ҳудудларида жойлаштириш. Шу мақсадда Меҳнат вазирлиги, республика Бизнес-жамғармаси ва «Пфафф-Зингер» фирмаси билан ҳамкорликда, шу йилнинг ўзида, замонавий тикув воситалари билан жиҳозланган, жами 1045 иш ўрнига мўлжалланган, 11 та корхонани ишга тушириш учун керакли маблағлар ажратилган. Ҳозирги вақтга келиб, улардан 3 таси: Наманган вилояти Тўрақўрғон ва Чуст туманларида ҳамда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида фаолият кўрсатмоқда ва уларда жами 300 киши, асосан, ёш хотин-қизлар иш билан таъминланган.

Учинчидан, иш қидириш даврини камайтириш, ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, шу мақсадда, деярли барча туман ва шаҳарларда мунтазам равишда иш берувчилар, ўқув муассасалари, ишчимоий ташкилотлар иштирокида, меҳнат ярамаркаларини ўтказиш, 1999 йилнинг ўтган даврида ўтказилган шундай ярмаркаларда иштирок этган фуқароларнинг 40 фоизи бир куннинг ўзидаёқ, ўзига мақбул келадиган ишни танлаш имкониятига эга бўлдилар.

Тўртинчидан, ишга жойлаша олмаганларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ишсизлик нафақаларини тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш. Бунда аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ва Меҳнат кодексига тўла риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

16 февралда юз берган фожиали воқеалар ёшлар билан ишлашни тубдан яхшилашни тақозо этади.

Албатта, бу воқеаларнинг ташкилотчилари ва ижрочиларини фақат лаънатлаш билан иш битмайди.

Биринчидан, бу воқеаларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий илдизларини, сабабларини топишимиз керак. Ишсизлик, меҳнат ресурсларининг ўсиши билан иш ўринлари ҳосил қилиш ўртасида тафовут борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Иккинчидан, маънавий-тарбиявий ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, таълим-тарбиянинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарур.

Учинчидан, ёшлар учун мўлжалланган матбуот нашрларининг аҳволини ҳам бир ўрганиб чиқиш лозимга ўхшайди. Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади, ёшларга мўлжалланган газета-журналларнинг ялпи тиражи бизнингча ўнчалик кўп эмас. ЮНЕСКОнинг минимал стандарти бўйича ҳар 100 ўқувчига 10 та нашр тўғри келиши керак.

Оммабоп луғатлар яратишга эътибор сust.

Маълумотларга кўра, ҳанузгача бизда ислом дини қомуси, шу куннинг талабларига жавоб берадиган, ўзбек-инглиз луғати йўқ. Одамлар газета-журналларга кам обуна бўляпти, келиб чиқиши, мазмуни, талқини шубҳали бўлган диний китоблар бемалол сотиляпти.

Биз ёшларга ўз мафкурамизни зўрлаб сингдириш орқали эмас, уларни миллий истиқлол руҳидаги дунёқараши шакллашишига имконият яратиш уларни ўз томонимизга жалб қила олишимиз мумкинлигини эсдан чиқармайлик. Ҳеч бўлмаганда, кутубхоналар, биринчи навбатда, мактаб кутубхоналарига энг зарур адабиётларни ва газета-журналларнинг янги сонларидан бир нусхадан етказиб беришни йўлга қўйсак ҳам катта иш бўларди.

Тўртинчидан, ёшлар билан иш олиб боришни навбатдаги компанияга айлантирмаслигимиз лозим. Бу — кундалик зарурий иш.

Бешинчидан, ёшлар билан ишлашни тубдан такомиллаштириш зарур. Бизнинг асосий иш шаклимиз мажлис ўтказиш, бу мажлисга ҳам адашган ёшларни эмас, балки, тўғри йўлда юрган ёшларни таклиф қилиш одат бўлиб қолган. Бунақа усулдан воз кечиш вақти келди. Ёшларга ҳадеб насиҳат қилиш шакли аллақачон эскирган. Аксинча, уларнинг бўш вақтларини турли мазмунли машғулотларга сарфлаш йўлларини топиш, излаш лозим. Бу борада Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилоти нима ишлар қилаяпти, дерсизлар.

Шаҳар партия кенгаши ёшларга амалий ёрдам кўрсатишга, партиядаги ёшлар қанотини ҳар томонлама ўстиришга эътибор бермоқда. Мурувват уйлари, Меҳрибонлик уйлари, болалар боғчалари, мактаблар, лицей ва гимназиялар, шифохоналарга оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларида эса ХДП стипендияларини беришни йўлга қўймоқдамиз. Биз «ЭБЕРТ», «АДЕНАУЭР» ва бошқа халқаро жамғармалар билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Айни пайтда, маҳаллаларда ҳам фаол иш олиб боряпмиз. Шайхонтоҳур туманида ХДП кенгаши ташаббуси билан ёшларга инглиз тилини ўргатиш ташкил қилинди. Бектемир туманида эса партия ташкилотининг саъй-ҳаракатлари натижасида «Дурдона» фирмаси 200 нафарга яқин қизларни иш билан таъминлади. Бундай мисоллар кўп. Хуллас, агар биз ёшлар билан ишлашда сезиларли натижага эришмоқчи бўлсак, уларга мана шундай амалий ёрдам қўлини чўзмоғимиз зарур.

Латиф ҒУЛОМОВ:

Эски қолипдан воз кечайлик

— Агар, Президентимиз И. А.Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан мусоҳабаларида билдирилган, ёшлар тарбиясига оид, фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугунги «давра суҳбати»га якун ясайдиган бўлсак, ўйлаймизки, у, асосан, қуйидаги амалий-ҳаётий ва фалсафий хулосаларни ўз ичига олади:

Мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида, дарҳақиқат, кескин сиёсий жараёнларни ўз бошидан кечирмоқда. Мамлакатда, миллий истиқлол йилларида, қўлга киритилган жиддий ютуқлар билан бир қаторда, уларга таҳдид солувчи ички ва ташқи ғанимлар мавжудлиги ҳам шубҳасиз. Шу йилнинг 16 февралида содир этилган қўпорувчилик, террорчилик ҳаракатлари бундан яққол далолатдир. Мазкур мудҳиш воқеалар муносабати билан судланганларнинг аксарияти ёшлар эканлиги, бизни, умуман, мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этувчи, Ватанимизнинг эртанги куни қандай бўлажагини, ҳал қилувчи даражада, белгилайдиган муҳим ижтимоий-нуфусий қатлам — ўсиб келаётган авлод, унинг маърифий-маданий дунё андозаларига мос, юртимиз ўз олдига қўйган олийжаноб, эзгу мақсадларга монанд тарбияси хусусида жиддий бош қотиришга ундовчи бир ҳолат, албатта. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифаси миллий ғоя, миллий мафкурани жамиятимиз аъзоларини, давлатимизнинг барча фуқароларини муштарак, якдил қилувчи, уларни улуғвор ниятлар йўлида бирлаштирувчи қудратли мезонга айлантирмоқда. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда адолатли, инсонпарвар тузумни, кучли фуқаролик жамиятини, унга монанд давлат бошқарувини қарор топтириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, диёримизни илғор жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўринни эгаллашини таъминлаш умуммиллий ғоя, мафкуранинг асосий жиҳатларини ташкил этади.

Абдулҳафиз Жалолов,

«Давра суҳбати»га якун ясаб, жумладан, шундай деди:

Ушбу мақсадларга эришиш йўлида она-Ватанимиз — Ўзбекистоннинг якунланаётган XX асрнинг сўнгги ва эшик қоқиб келаётган XXI асрнинг дастлабки йилларидаги тараққиётининг устувор йўналишлари — ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётимизни эркинлаштириш, фуқаролар, хусусан, ёшлар, маънавиятини янада юксалтириш, уларни ўқимишли, халқига, миллатига, юртига содиқ кадрлар тайёрлаш, халқ турмуши фаровонлигини ошириш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакат худудий яхлитлиги, тинч-осойишталиги, миллий хавфсизлигини таъминлашдан иборат эканлигини англаш фавқулодда катта аҳамият касб этади.Биз даъват этилаётган ҳушёрлик, бу — инсоний англаш, англамоқнинг ҳосиласидир. Инсоний англаш, англамоқнинг муддаоси — ўзликни билмоқдир. Ўзликни билмоқ — ақл-заковатга таяниб, яшамоқдан иборат. Ақл-заковатга, албатта, таълим, ўқиш, изланиш, маънавий-маърифий йўналишдаги саъй-ҳаракатлар билан эришилади. Бироқ, юксак маънавият, унинг аксарият кишилар онгидан жой олиши ўртасида амалий ҳаёт «дошқозони» бор. Фақат ушбу «дошқозонда» қайнаган маънавий озуқагина, одамларнинг амалий хатти-ҳаракатлари мазмунига жо бўлиб, уларнинг қалбини чулғаб олиши мумкин. Кўриниб турганидек, маънавият «уруғларининг» кишилар онгидан жой олишлари учун, улар, бундай «уруғларнинг» униб-ўсиши учун мослаб ишланган замин каби, бунга таптайёр бўлишлари зарур. Бундайин замин — уларнинг англанган манфаатларидан ўзга нарса эмас. Маънавият маънавият учун эмас, балки, у, одамларга, инсонга муносиб тарзда яшаш учун, зарур. Кишилар маънавиятнинг ўзи билангина бевосита ўз ҳаётий манфаатларини қондира олмайдилар.

Маънавиятнинг истеъмолчиси — жамият, инсон ҳаётининг туб негизи, унинг фаровон турмушини таъминлашнинг асосий воситаси — меҳнатдир. Яъни, юксак маънавият самарали меҳнатнинг, демакки, инсонларча яшашнинг бош шарт-шароити ҳисобланади. Шунинг учун ҳам замонавий давлатчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — ўз фуқароларини меҳнат, иш билан таъминлашдир. Устига-устак, меҳнатнинг кишилардан юксак билим, ақл-заковат талаб қилиши — айни муддаодир.

Ушбу маънода, мақсадли таълим, тарбия, ўқиш, изланиш, маънавий-маърифий ишларнинг улкан аҳамиятидан қатъи назар, инсонлар учун асосий устоз, тарбиячи, бу — ҳаётдир. Ҳаётни чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиш асосидагина, жамиятнинг илғор, пешқадам намояндалари томонидан яратилган, миллий ғоя, мафкура, — қонунлар, қарорлар тимсолида, маънавий-маърифий саъй-ҳаракатлар орқали, — ҳаёт «тегирмони», — меҳнат, унинг натижалари ўлароқ, — кишилар онгидан мустаҳкам ўрин оладилар, уларнинг шуурига сингийдилар Оқибатда, жамият маърифий тараққиётининг янада юксакроқ чўққиларини забт этишга чорловчи тақдиршумул ғоялар туғилади. Зеро, ижтимоий ҳаётни эзгулик негизидаги мангу ҳаракатга келтиришнинг мунтазам ва мустаҳкам пойдеворини унинг айни ақл-заковат, тафаккур, маънавият негизидаги ривожи, тараққиёти ташкил этади.

Бундай даражага эришиш, унинг мунтазамлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаб туриш ўз-ўзидан юз бермайди. Ақл-заковат туфайли ижтимоий парокандалик барҳам топса, яъни парокандалик ўрнида кишиларнинг юксак ташкилий даражадаги уюшқоқлиги қарор топган тақдирдагина, бундай ҳолат ҳаётий воқеликка айланиши мумкин. Кишиларнинг юксак уюшқоқлиги, бу — уларнинг ўзларини-ўзлари бошқарувларини, нодавлат жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар фаолиятини тақозо этувчи, шахсий, гуруҳий, минтақавий эҳтиёжларни носиёсий йўл билан ҳал қилиш имкониятини яратувчи кучли фуқаролик жамияти ва, шунингдек, унинг зийрак, талабчан назорати остидаги, умуммиллий, умумхалқ манфаатларини ифода этиш, қондириш, уларни мувозанатга келтириб турувчи адолат «тарозиси» — демократик тарзда шакллантирилган, яъни сиёсий партияларнинг сайлаб қўйилган вакиллари тимсолидаги, — давлат ҳокимияти идоралари тизими демакдир. Барча инсоний эркинликларнинг асосини эркин иқтисодий фаолият ташкил этади. Иқтисодий эркин фаолиятнинг юзаланиши мазкур ҳолнинг тақдиршумул аҳамиятини, бутун жамият томонидан, чуқур англанишини ва унинг тегишли сиёсий мурватларини вужудга келтиришни тақозо қилади.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбири Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади.

Чорак асрдан сўнг

Мана Вьетнам уруши якунланганига ҳам чорак аср бўляпти. Ўшандан буён эндигина Вьетнам билан АҚШ савдо алоқаларини ўрнатиш юзасидан шартнома имзолашди. Бу икки томон ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда муҳим босқич бўлди. Шартнома икки томон учун ҳам фойдали. Лекин Осиё инқирозини бошидан кечирган Вьетнам учун бу жуда қулай бўлди. Мамлакатга сармоялар ҳам, тайёр маҳсулотини сотиш учун бозор ҳам зарур. 1996 йилда Вьетнамга савдо-сотиқни ривожлантириш учун имконият берилган эди. Ҳозирги шартнома эса дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири бўлмиш Вьетнамнинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш йўлини яқинлаштиради. Шартнома АҚШ конгресси ва Вьетнам миллий ассамблеяси томонидан ратификация этилгандан сўнг кучга киради.

Келишув имзоланди

Америка давлати тараққиёт банки Бразилия ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт миллий банки билан мамлакатда ўрта ва кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисидаги келишувни имзолади.

Мазкур банк Бразилия ҳукумати билан мамлакатдаги молиявий вазиятни барқарорлаштириш учун кредит ажратиш ҳақидаги аввалги келишувни амалга оширишда давом этажагини ҳам маълум қилди. Жорий йилда мазкур банкнинг Бразилияга ажратадиган кредити ҳажми 4,5 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Ишсизлар сони ортмоқда

Японияда ишсизлар сони тобора ортиб бораётир. Айни пайтда мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5,1 фоизи ишсиздир. Бу Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихи давомидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Япония меҳнат вазирлиги ҳисоботларида қайд қилинишича, мамлакатдаги ҳар юзта иш қидираётган кишидан 46 нафари учун иш жойи мавжуд, холос. Шунинг учун Япония ҳукумати ишсизликка қарши курашни кучайтириш мақсадида келгуси икки йил ичида 770 минг янги иш ўринлари яратиш режасини ишлаб чиқди.

Ҳалокат оқибатлари

Яқинда Филиппинда «Лепанто Консолидейтед Майнинг» компаниясига қарашли йўловчи самолёт ҳалокатга учраган эди. Куни кеча ушбу самолёт экипажи аъзолари ва йўловчиларининг жасадлари топилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, самолёт бўлаклари Лусон оролининг Намогойян туманидаги тоғли ўрмон ҳудудидан топилган. Айни пайтда фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Гиёҳванд моддалар қўлга киритилди

Таиланд чегарачиларининг контрабанда билан шуғулланадиган мьянмалик жиноий гуруҳи аъзолари билан бўлиб ўтган қуролли тўқнашув ниҳоясида тўрт миллион дона амфетамин таблеткаси ва ўн олти килограмм гиёҳванд модда қўлга киритилди. Таиланд ҳукумати вакили берган маълумотларга қараганда, наркотик моддаларнинг "қора бозор"даги нархи тўққиз миллион АҚШ долларини ташкил этар экан.

Электр энергиясиз қолди

Тайванда электр узатиш тармоғининг ишдан чиқиши оқибатида мамлакатнинг катта қисми электр энергиясисиз қолган. Электр қуввати таъминотидаги узулиш сабаблари ҳали тўлалигича ўрганилмаган бўлса-да, орол жанубида юз берган кўчки кўчиши электр узатиш тармоғини ишдан чиқарган бўлиши мумкин, деган фикрлар айтилмоқда.

Отахон, Сиз ҳақсиз!

Қўнғироқ

Одатий иш кунимиз. Телефон қўнғироғи жиринглади. Гўшакни кўтарсам алоқа яхши уланмади. Яна, яна... Бизни йўқловчи гўё миқ этмайди. Асабийлаша бошлагандим, ҳайрият, амал-тақал қилиб қария отахоннинг овозини эшитдим.

— Қизим, сизларга икки оғизгина илтимосим бор эди, — деди шоша-пиша ўзини Қўзибой Муҳаммедов деб таништирган отахон. — Эшитяпсизми, мен узоқ йиллардан буён «Ўзбекистон овози»ни ўқийман, ҳар йили обуна бўламан. Ёшим 86да, 1-гуруҳ ногирониман, 50 йил ўқитувчилик қилдим. Илтимосим, шуки, бизнинг 109-алоқа бўлими ишидан ҳеч кўнгил тўлмайди, ранжияпманда. Нега дейсизми? Болам, ўзинг ўйла, алоқа бўлимининг телефони яхши ишламаса, ўз вақтида газета, хат-хабар ололмасам, мен ранжимай ким ранжисин? Яна бир томони на бизнинг Хўжаев, на Нозимахоним, на шу яқин-атрофдаги кўчаларда бирорта почта қутиси бор. Бизга ўхшаш қария, ногиронлар битта хат ташлаш учун алоқа бўлимига бориши осонми? Яна...

Тўсатдан телефон гўшаги «дуду»лаб, алоқа узилди. Отахоннинг арзини охиригача эшитолдим... Орадан бир соатлар ўтгач яна Қўзибой ота ташвишланиб муҳарририятимизга қўнғироқ қилди.

— Уйдаги телефонимизнинг «хархашаси»дан очиғи, чарчадик, — отахон хафа бўлди. — Туман алоқа бўлимига мурожаат қилсам «бўлади», «хўп-хўп» дан нарига ўтмайди. Биз қарияларнинг беминнат дастёри телефон, яқин ҳамсуҳбати газета, радио, телевизор-да. Сизлардан жиндай ўтинчим... Газетангизни муштарийлар ўз вақтида олишига ҳеч қизиқасизларми? Мана газетангизнинг охирги марта 13 июль сонини олдим, холос, бугун 20-чи... Ахир...

Эҳ, бу шаҳар телефонлари, афсус яна «ду-ду»лади-қолди.

Ҳақли эътироз.

Газетамиз ўз вақтида ўқувчилар қўлига тегяптими? Қизиқсиндик.

Қўнғироқ «изи»дан тушдик.

«Тошкент почтампти..» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли 109-алоқа бўлими бошлиғи Раъно Турсунова:

— Бизнинг алоқа бўлими ТошПИ, ТошДУ, ТошДавМИ, Хўжаев мавзеларига хизмат қилади. Алоқа бўлимимизда ишимизга халақит берадиган муаммо йўқ. Газета, журналларни ўз вақтида оляпмиз. Асосан «Труд-7», «Аргументы и факты» оламиз, «Вечерний Ташкент»ни дарҳол ўқувчисига етказамиз. «Ўзбекистон овози» — бор-йўғи 4-5та, соат 11.[15]да келади, кун бўйи етказамиз-да, эгасига. Почта қутисига келсак, бу иш билан ЖЭКлар шуғулланади, лекин почтальонларимиз хатни манзилига етказишади.

Шикоятчи айтган телефон масаласига келсак, ҳақиқатан алоқа симларини ўғирлаб кетишгани учун бироз вақт алоқа ишламайди.

Собир Раҳимов туманидаги 46-АТСнинг линия инженери вазифасини бажарувчиси Евгений Светиков:

— Биласизми, шикоятчининг ўзи айбдор, чунки бизга «буюртма» бермаган-да. 13 май куни « буюртма» бўлганди. Яна қайтараман линиямиз жуда эски, таъмирталаб, ҳозирча маблағ етмаяпти. Бошқа муаммо йўқ, имкон борича мижозларимиз талабини қондираяпмиз.

Изоҳ: Қўзибой Муҳаммедов охирги марта газетамизнинг 13 июль сонини ололган, холос. Гарчи кеча ҳам алоқа бўлимига газета ўз вақтида келган бўлса-да, кун кеч бўлаётгандаям ўқувчисининг қўлига тегмаганди. Ҳар қандай шароитда ҳам биз ўз муштарийларимизнинг кўнгли ранжишини истамасдик. Сабаб ва баҳоналар қанчалар ўринли-ўринсиз бўлмасин, газета бир кунлик, ўқувчига бугуннинг нафасини етказишини унутмаслигимиз керак.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Темирйўлчиларнинг байрамга тўёнаси

Ҳар йили август ойининг дастлабки якшанбасида мамлакатимиз темир йўл транспорти ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар. Ўзбекистон темир йўли тарихи эса 1874 йилдан бошланган. Ўшандан буён ўтган 125 йил ичида бу соҳа мисли кўрилмаган даражада ривожланди.

Бугунги кунда эса «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси мамлакатимиз транспорт тизимининг қудратли механизмларидан биридир. Ҳозирги пайтда компанияга қарашли йўллар узунлиги 4300 километрга яқиндир. Айни пайтда республикамиз темир йўл транспорти халқ хўжалигининг ички эҳтиёжларини тўла қондиряпти. Ташилаётган юкларнинг 90 фоизи темир йўл транспорти зиммасига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳукумати темир йўл транспортини ривожлантиришга катта эътибор бераётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1993 йил июнь ойида имзолаган «1993-1995 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда темир йўлни электрлаштиришнинг бош дастури тўғрисида»ги қарор асосида темир йўлни электрлаштириш бош режасини амалга ошириш давлат дастури деб эълон қилинди. Ана шу қарорга биноан 1997 йилда темир йўлнинг 97 километр узунликдаги Жиззах — Жомбой участкаси электрлаштирилганди. Шу йилнинг май ойида эса Жиззах — Самарқанд участкаси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон халқи мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлашига бир ой вақт қолганда темирйўлчилар яна бир ғалабага эришдилар. Куни кеча электрлаштирилган Самарқанд —Мароқанд участкаси тантанали равишда очилди.

Суратларда: Самарқанд — Мароқанд участкасининг тантанали очилиш маросимидан айрим лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ («Туркистон-Пресс») олган суратлар.

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекбирлашув» ва «Матбуотсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари 1999 йилнинг 5 августидан 10 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«Мактаб бозорлари»

ташкил этади

Сизлар ушбу

«Мактаб бозорлари»дан

ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача

арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

Мактаб бозорларига хуш келибсиз, азиз дўстлар!

«АЛАН СЕРВИС» АЖ

барча турдаги

тракторлар

эҳтиёт қисмларини

таклиф этади

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарори билан «Айгерим» хусусий фирмаси банкрот деб топилди.

Муҳри ва штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида 132-07-04 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ХАРИТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 2

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Ўн учинчи Осиё ўйинлари».
10.00, 12.00, 14.00 ,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мусиқий саёҳат». Э. Пиаф.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
11.05 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Озод юрт одамлари».
12.25 Кундузги сеанс: «Кичкинтойдан кўрк, эй ғаним». Бадиий фильм.
13.30 «Ватан тимсоллари».
13.35 «Қишлоқ ҳаёти»
14.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
15.00 «Спорт» дастури:
1. «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
2. Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Карши) — «Бухоро» (Бухоро)
16.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.35 «Адолат мезони»
16.55 «Осиёсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 1-серия.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
19.00 «Мувозанат». Ахборот - таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.35 Эълонлар.
19.30 Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Жаҳолатга қарши маърифат».
21.40 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Тўра Сулаймон.
22.15 «Маънавият» дастури.
23.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари», Телесериал. 69-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», Мультфомоша)
18.40 «О,ёшлигим...».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳзалар».
19.35, 20.30, 23.30-Эълонлар.
19.40 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Кавинтон Кросс». Телесериал. (Англия)
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
21.35 «Душанбада кўришгунча».
21.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
22.00 18.40 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркуми: «Буюк юрт фарзандиман».
22.20 Мустақилликнинг 8 йилигига «Ҳудуд». Сижжак қишлоғи
22.50 «Эгиз қўшиқлар».
23.10 «Олам футболи».
23.35 Синема. «Инспектор Морз».
01.20 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳалқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Золушка». 3 -серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастурида.
18.55 «Мисс Марпл». Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс. «Эрта балоғатга етганлар». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларс асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ва хизматкор қиз» (Англия).
24.00 «XL-music». Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 3

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 69-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Маънавият» дастури.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.40 «Мактублар — кабутарлар».
12.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Юртим , сени куйлайман».
12.20 Спорт дастури:
1. Каратэ бўйича клублар ўртасида Жаҳон чемпионати.
2. «Шоҳруҳ» клуби.
13.25 «Барҳаёт наволар». Толибжон Бадинов.
14.10 Кундузги сеанс. «Хевсур киссаси». Бадиий фильм.
15.35 «Ёшлар кўчасида».
16.00 Биржа ва банк хабарлари.
16.10 «Ватан тимсоллари».
16.15 «Оламга саёҳат».
16.35 «Мисли гавҳар».
17.00 «Осиёсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм 2 -серия.
18.10 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
18.20 «Устоз».
18.40 «Санъат — дўстликка чорлайди». Голландия фестивали ҳақида.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Келажак ўғрилари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Парламент соати».
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий дастур.
22.15 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Қорақалпоғистон.
22.50 «Қизлар даврасида».
24.00 «Ахборот».
00.30 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-серия.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 69-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Бегубор фасл». Қашқадарё вилояти.
19.45, 20.40, 23.25-Эълонлар.
19.50 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.45 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
21.35 «Марду-майдон».
21.55 «Менинг орзуим».
22.00 «Парламент».
22.10 «Мусиқий лаҳзалар».
22.15 «Мунисам».
22.35 «Агарда солиқчи келса?» Телешоу.
23.05 «Газал соғинчи».
23.30 Синема.
01.00 «Янги тонг».

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Боҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар худуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йилигига. «Суҳбатдош».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Интернет худуди».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Золушка». 4-серия.
18.45 «Ворлднет» янгиликлари.

Россия жамоат телевидениеси.
18.55 «Мисс Марпл». Детектив сериали.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
21.45 «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Сен менинг юрагимдасан». Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морона Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларс асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ва вазир».
24.00 «Мусиқий вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 4

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Дутор ва танбур тароналари».
9.15 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳригиё».
10.30 «Сайқал».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.50 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.20 «Шоирлар — болаларга».
11.40 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
12.05 Кундузги сеанс. «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
13.15 «Рақслар гулдастаси».
13.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Олимпиадачилар орамизда».
14.10 1999 йил — Аёллар йили. «Аёл дунёни тебратар».
14.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қизиқчи».
15.05 «Пўлат тулпорлар».
15.25 «Миллий эстрадамиз: Муаммо ва ечимлар».
16.00 «Ватан тимсоллари».
16.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Юртим жамоли».
16.30 «Болажон қиз». Бадиий фильм.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Муҳаббат дарси».
18.30 «Фермер». Телетанлов.
18.50 «Истеъдод». Мусиқий дастур..
19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига.«Таянч нуқтаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Тараққиёт йўли».
21.35 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.

«Умид» намойиш этади:
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-серия.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Билағон маслаҳати», Мульттомоша)
18.40 «Болалар дунёси».
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.45 Эълонлар.
20.35 «Мусиқий лаҳзалар».
20.45 «Каталог».
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлол менинг тақдиримда».
21.35 «Рақслар қанотида».
21.55 «Бахс».
22.20 «Танишинг: Акмал Саъдиҳонов».
22.35 «Авторейд».
22.45 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Синема.
00.30 «Хит-коллекция».
00.50 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Боҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.15 «Осойишталик фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига «Хусусийлаштириш : қадам-бақадам».
20.20 «Нодир хазина». «Манзарали фильм».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Совга». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.20 «Эстрада концерти».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт клуб».
15.55 «Клип-антракт».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. « Джоринда ва Джориндель». 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.20 Бош ролда Вупи Голдберг. «Бўш келма, опажон» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Қойилмақом хит». Концерт дастури. 2-қисм.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф. Жан Рено «Қабристондаги ўрин» фильмида.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морона Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларс асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15"Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ва «Монестик» меҳмонхонаси».
24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 5

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қўйла, ёшлигим».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.40 «Саньат ғунчалари».
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.05 Кундузги сеанс: «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадиий фильм.
13.25 Ўзбек куйларидан концерт.
13.55 «Ватан тимсоллари».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
15.10 «Оламни асранг».
15.30 «Халқ ижодиёти». «Алпомиш»нинг 1000 йиллигига.
16.00 «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
17.05 «Спорт оламида».
17.20 Эстрада тароналари.
17.45 «Бу ажиб дунё».
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадиий - публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.50 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
22.25 «Сомон йўли».
22.55 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
23.30 «Ахборот».
24.00 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ёшлик формуласи».
19.50, 20.45, 23.20-Эълонлар.
19.55 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.45 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Мезон».
Фарғона вилоятидан тайёрланади.
22.00 «Давр-интервью».
22.10 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
22.15 «Одамлар орасида».
22.40 «Мутойиба».
23.00 «Мусиқий глобус».
23.25 Синема. «Рухшунос».
01.00 «Спорт-қитъаси».
01.30 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Боҳодир шоҳ Зафар». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Зиё тарқатувчилар».
21.10 «Сарафроз». Мусиқий дастур.
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт клуб».
15.55 «Клип-антракт».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 Мультчархпал

Ошиқлик

(Тўра Сулаймон ижодига чизгилар)

Туркий дунёнинг буюк адиби Чингиз Айтматовда шундай гап бор: «Ёзувчи бўлиш учун истеъдод билан бахтсиз болалик кифоя қилади». Шу маънода Тўра Сулаймон ёзувчиликка ҳар жиҳатдан муносиб, ҳеч мини йўқ кишидир. Гўзал Бахмал тоғлари қўйнидаги Алдашмон қишлоғида туғилган бўлажак шоирнинг армонларга тўла болалиги шўролар тузумининг авжи қатағон даврига тўғри келди. Отасини ёт унсур сифатида қаматишиб, уйларидаги кўрпа-тўшаккача инқилобий ҳукуматга ўтказишди. Қулоқнинг болаларини эса, ҳар йўл билан турткилаб, камситишга уринишди. Бу машъум воқеа туфайли хаёлпараст ва таъсирчан Тўра синиқиброқ, ўйчанроқ бўлиб ўсди. Бу ҳолат унинг хотирасида чуқур из қолдирди ва бутун ёзганларида ана шу синиқлик, кўнгли яримлик нуқси сезилиб туради. Шеърларининг бирида шоир:

Отамнинг аламли
пок сийнасида
Ушалиб, ушалмай
Қолган армонман, — деб ёзганида болаликнинг ана шу аччиқ изтиробларини кўзда тутганди. Отаси қамоқдан чиққач, 1939 йилда Тўралар оиласи Мирзачўлнинг «Малик» деб аталмиш хўжалигига кўчиб келишди. Шу тариқа у тоғда дунёга келиб, чўлда дунё таниб бошлади. Болаликда оиланинг бошига тушган шўришлар ёш Тўрани жуда эрта улғайтирди. Унда ўзгаларни англаш, бировнинг дардини ҳис қилиш сифатлари тенгдошларидан олдинроқ шаклланди ва бир умрга қолди. Айни шу сифатлар шеъриятга ошно қилди. Чунки у оламга, одамларга, дунёнинг шеваларига шунчаки бир томошабин сифатида қарай олмасди. У кўп ўқирди, бутун-бутун достонларни ёд биларди. Болалигиданоқ нималарнидир айттиси келаётганини, бошқаларга таъсир этмаган нарсадан ҳаяжонга тушиб, терга ботганини кузатарди. Лекин узоқ вақт ёзганини бировга кўрсатмай юрди. Биринчи шеъри эълон қилинганида йигирма олти ёшда эди. Ўша вақтлар ёзган бир шеърида у ўзини шеърият дунёсида умид билан йўлга чиққан карвонга ўхшатади:

Мен ҳам умид билан
сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга
кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб,
бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан
Кичик карвонман.

Шеър — истеъдод маҳсули, кўнгил мулки. Оламни шоирона идрок этолмайдиган, унинг бошқаларга номаълум жиҳатларини кўра олмайдиган киши

шоир бўлолмайди. Чин шоир бўлиш мумкин эмас. У - қисмат. Шоир бўлмасликнинг уддасидан чиқа олмайдиганлар қисмати. Шоир ҳамиша нимадандир норози, нимадандир ҳаяжонда. Оламни боридан гўзалроқ, одамларни ҳозиргисидан комилроқ кўриш истаги шоирни доим безовта қилади. Шу боис у тинимсиз тўлғанади, изланади:

Сувлар ҳам тиниди
сунбула келиб,
Тиниб-тинчимади бу
кўнглим, ҳайҳот.
На баҳор, на ёздан,
на тўкин куздан
ҳечам қониқмади,
бу кўнглим, ҳайҳот!

Шоир бир умр ўзини излаб, ўзини текшириб, ўзини кашф қилмоққа интилиб яшайди. Т. Сулаймон — ана шундай изланишнинг узоқ йўлини малолланмай босиб келаётган ижодкор. У ҳар не топса, ўзидан топиши мумкинлигини билади. У қалбини тўхтовсиз тафтиш қилади. Чунки излагани ташқарида эмас, ўзининг юрагида. Ҳа юрагини англамаган одам ўзгани тушунолмайди. Ўзгани тушунолмаган кимса, ҳақ билан сирлашолмайди. ҳақ билан сирлашишнинг энг бехато йўли унга беғараз муҳаббатдир, уни адоқсиз севишдир. Тўра Сулаймон шеърияти - ишқ ҳақидаги битиклар. У муҳаббат туфайли қалам тутди, муҳаббатни куйга солди ва ҳануз севги изтиробларини айтиб адо қилолмайди:

Мен сени суйдим, Қоракўз,
Суйдим, суйдиролмадим.
Ишқингда куйдим, Қоракўз,
Куйдим, куйдиролмадим.

Шундай ҳолатга чинакамига тушган одам шеър ёзмай, шоир бўлмай иложи йўқ.

Шоир ҳамиша дард билан яшайди. Бир шеърида: «Дардсиз яшамоқлик— дардмандлик асли», деб бежиз айтмаган. Оламда қанчаки асл шоир бор ҳаммаси дардманд. Улар гўзалликнинг, эзгуликнинг дарди билан оғриган беморлар. Барча чинакам асарлар ғамнинг мевалари ўлароқ дунёга келган. Асримизнинг буюк ижодкорларидан бири: «Шоир дилига қилма ҳавас бут эса бағринг, Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман» дея нола қилганида, иккинчи бир буюк шоир: «Дилу жон ўртанар, дил ором истар, Илҳомнинг пичоғи санчилар буткул» деб озорланганида ҳақ эдилар. Биласизки, Одамнинг лойини қоришга сув бўлсин деб ёғдирилган қирқ кунлик ёмғирнинг ўттиз тўққиз куни ғам, бир куни шодлик ёмғири эди. Навоий ҳазратлари:

1

«Кўнгилда ғам йўқлиги ўзи ғамдур, Алам йўқлиги асру аламдир» деганларида барча ижодкорларнинг кўнгилларидагини ўртага ташлагандилар. Шундан бўлса керак, Тўра Сулаймон аламангиз шеърларни кўп ёзади. Шундай шеърлари ўқувчилар қалбини тўлиқроқ эгаллайди, хотираларида ҳамишаликка қолади:

Излай-излай ҳориб бўлдим,
сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим,
Энди босган изларингни
тўрт томондан
тополмасман.

Йўқотганларининг топилмаслигини, кетганларининг қайтмаслигини билган кишининг адоқсиз армонлари ифодасига қаранг:

Гиёҳ билан қопланмиш
кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар —
кимларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар
отам ҳам узангидошлари,
Баҳор, кетма,
менинг боғимдан.

Адолатнинг топталганини кўргандаги кўнгил розлари ҳам ғамли оҳанг бўлиб мисраларга қуйилади:

Бемаврид хешларимнинг
кўзларида ёш кўрсам,
Бир мард билан нопокнинг
йўлини туташ кўрсам,
Қайси бир бегуноҳни кенг
йўлда адаш кўрсам,
Бир бетайин кимсанинг
оёғида бош кўрсам...
Кўнглимда армон ётар
терскайдаги тош мисол.

Инсоннинг сўнгги макони ҳақида ўйга толган шоир қисмат олдидаги ўз ожизлигидан изтироб чекмоқда бўлган киши руҳияти товланишларини андуҳ билан ўзига хос йўсинда тасвирлайди:

Бу маскан қопқасиздир, бу
қўрғон ҳоқонсиздир,
Бориш бору келиш йўқ, бу гўша
омонсиздир.

Т. Сулаймон шеърда руҳиятнинг таъсирчан манзарасигина эмас, ижтимоий юк, салмоқли инсонпарварлик миссияси бўлишини истайди. Шу боис унинг назарида шеър бир кўнгилнинг розигина эмас, балки ҳар қандай одамнинг кимлигини аниқлайдиган мезон, маънавиятини тайин этадиган ўлчовдир:

Ўлан билмас эр аста
айний бошлар,
Қайдан билсин ўланни
баҳри тошлар.

Тўра Сулаймон шеърияти таъсирли ҳиссий тимсоллар воситасида ифодаланган ёмби ва залворли фикрлар шеъриятидир. Пайғамбаримизнинг: «Сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат», деган ҳадисларидаги икки жиҳатни ҳам шоир ўз ижодида намоён қилишга тиришади. Руҳиятнинг тушунтириш мушкул бўлган қатламларини тадқиқ этиш, ҳиссиётдаги энг мураккаб жараёнларни бор чигалликлари билан тасвирлашга эътибор ўта кучайган бир шароитда Т. Сулаймон ғоят миқёсли, қамровли фикрларни, ғўзал бадиий топилдиқларни содда йўсинда, чигаллаштирмай, мураккаблаштирмай тасвирлаш йўлидан боряпти. Кўпинча, шеъриятдаги соддалик жўнликка олиб боради, Т. Сулаймон ижодида эса, соддалик теранликка хизмат қилган. Шоирнинг эларо машҳур бўлиб кетган шеъри - «Тебратар»нинг оҳанг ва мазмунига эътибор қилинг:

Шамол шамолни тебратар.
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмғирни тебратар.
Ёмғир майсани тебратар.
Майса бияни тебратар.
Бия қимизни тебратар.
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулувни тебратар.
Сулув бешикни тебратар.
Бешик болани тебратар.
Бола дунёни тебратар.

Шоир чигал ташбеҳлар, болохонадор ўхшатишлар, замзамали образлар яратишга атай уринмайди. Қадимий дунё тартиботининг энг муҳим бўғинлари бўртиқ шеърий манзарасини соддагина мисралар бағрига жойлай олади. Чинакам шоирлик томчида уммонни, қатим нурда қуёшни, ата-чечак бир ниҳолда дарахтнигина эмас, бутун бошли ўрмонни кўра олиш демакдир. Йўқ! Кўра олиш кифоя эмас, балки шеърхонга ҳам кўрсата билишдир. Кўрсатганда ҳам шунчаки эмас, балки ўқувчининг ҳиссиётини қўзғайдиган, туйғуларини безовта қиладиган тарзда:

Тақа туёқни асрагай,
Туёқ тулпорни асрагай,
Тулпор Темурни асрагай,
Темур Туронни асрагай,
Турон Қуръонни асрагай,
Қуръон имонни асрагай,
Имон инсонни асрагай,
Инсон оламни асрагай,
Оламни Ўзи асрагай.

Тақадан бошланган гап оламни асраш билан тугади. Нарсаҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишларни, умумдунё алоқадорлигини бу қадар гўзал ва ўзбекона идрок эта билмоқ ҳамда содда йўсинда таъсирчан ифода қилмоқ учун Тўра Сулаймон истеъдоди керак.

Шоир девонафеъл бўлганлиги, дарвешваш яшаганлиги учун, ахлоқий ва ҳуқуқий қолипларга кўпда риоя қилавермайдиган зот бўлганлиги учун ҳам бизнинг назаримизда анча эркин ҳаёт кечирадиганга ўхшаб кўринади. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, унинг эрки қулнинг эркидан чекланганроқ бўлса борки, ортиқ эмас. Нега? Чунки шоир ижодидан эркин бўлолмайди. Аслан ижод эркинлиги тушунчаси ижодкорнинг эркинлигини эмас, айнан ижоднинг эркинлигини англатади. Шоир ўз туйғуларига, ҳиссиётига хўжайин бўлолмайди. Ҳиссиётини бошқара олган одам ижодкор эмас. У илҳомига ҳам бийлик қилолмайди. Бирлаксе шоир ўз илҳомининг қулидир. Унда фақат жунбушга бўлган туйғуни, қуйилиб келаётган фикрни гўзал шаклда ифодалай олиш эрки бор холос. Илҳомни зўрлаб бўлмайди. Талантли шоирлар исталган вақтда эмас, кўнгиллари тусагандагина шеър ўқий оладилар. Бундайроқ шоирларга илтимос қилдингиз, бас ўқийверишади. Негаки, биринчи тоифадагилар чинакам истеъдод соҳиблари ва улар илҳом билан иш кўрадилар. Кейингилар эса ижрочилар, уларга томошабин бўлса бас. Шу боис илҳомни зўрлаб бўлмайди. Зўрланган илҳом чала насл беради. Шу сабаб Тўра Сулаймон бутун туйғуга, бутун юракка эгалиги ҳақида фахр билан ёзади:

Менга бутун кўнгил керак,
кун керак,
Менга туташ юлдуз тўла
тун керак.
Мен ёртилаб
муҳаббатни олмайман,
Мен ёрти дўст
хонасида қолмайман

У чала суймайди, чала яшамайди, чала довлашмайди, чала ёвлашмайди, чала дўстлашмайди. Ўз сўзига, ўз туйғусига эга бўлганлигидан ғурурланади. Туйғулар ўзиники бўлгани боис «юқумли».

2

Бировдан туйғу олиб, бировнинг овози билан куйлаб, бировнинг сўзи-ла тасвирлаб, эътироф қозониш мумкин эмас. Шоир шунинг учун: «Ўзга созни чалгулик қилма» дея илтижо этади. Т. Сулаймон бутун ижодий умри мобайнида ўз созини чалишга уриниб келмоқда. Қуйидаги мисраларга эътибор беринг. Учдан бири шоир бўлган бизникидай юртда ҳам бошқа бировникига ўхшатиб бўладими уларни?

Бу оламда Ой танҳо,
муборак Қуёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичида бир
шу эгма қош танҳо,
Унингдек ҳеч ким менга
бўлмаса сирдош танҳо,
Гўрўғли султон бир ён,
Тўра Сулаймон бир ён.

Ёки мана бу ташбеҳ бошқа бирор шоирни эсга соладими:

Осмон ўртасинда нозланадир ой.

Бу мисралар кишини беихтиёр шоир тасаввурига мос руҳий ҳолатга туширади. Сўзнинг қудрати шуда! Тўра Сулаймон сўзнинг жилосини теран ҳис этади. Сўзнинг кўпчилик хотирасидан кўтарилган халқона оҳангдор шаклларини, унут бўлаёзган қадимий маъноларини топади. Шоир сўз изламайди, балки ҳолатга ном қидиради. Унинг туйғулари - халқона. Бинобарин, ифода ҳам шунга мос. Ҳолатга ярашиқли сўз топа билиш шоир учун саодат. «Тўлганой» достонида: **«Уни чечан демаким таъбири ярашмаса...»** дейди шоир ва ўзи имкон борича ярашиқли таъбир топишга, таъсирли тасвир қилишга уринади.

Ҳар қандай ижодкорнинг асл қиёфасини унинг тили белгилайди. Ш ўз маънода Тўра Сулаймон тамомила ўзига хос шоирдир. Тўғри, у ҳам бошқалар фойдаланиб юрган сўзларни ишлатади. Лекин у бу сўзларни китобдан олмайди. Китобдан олинган сўз образга ёпишмайди. Бадиий матнда ҳам бегоналиги билиниб туради. Т. Сулаймон сўзга айрича бир эркинлик билан ёндашади. У ҳар қандай асов сўзни ҳам юввош торттиради. Сўзни руҳга бўйсундира билади. Ўзи сўзнинг эмас, руҳнинг стихияси етовида юради. Оддийгина сўздан фақат Тўра Сулаймонга хос тасвир услубини вужудга келтира олади. Қуйидаги тасвирларга эътибор қилинг:

Кўкда сузган булут
момиқдан ҳам оқ,
Кошкийди бошланса
ёмғир ёғалоқ.

Булутни пахтага ўхшатиш кимлардан қолмаган, лекин момиққа ўхшатилиши услубни ўзгартирган. Шеърининг оҳанги Миртемирона эди. Аммо устоз булутни «пага», «оқ» дея сифатларди. Чўлда, пахта орасида улғайган Т. Сулаймон унинг момиққа ўхшашлигини кўра билди. «Соғиниш» шеърида: «Яйловларда майса **қимтир** қўйқўзи» тарзидаги тасвирда «қимтир» бағоят ўрнида ишлатилган, бу сўздаги маъно нозиклигини ҳаммаям илғайвермайди. Ҳодисаларни «Тўрачаси»га кўриш намунаси: «Тоғлар тўши ёришди, демак тонг отаётир». Қуёш ҳақида бир сўз демай, уни кўрсатиш мумкин экан. Ғоят мавҳум, моддийлаштириб бўлмайдиган ҳолатни аниқ тасвирлай олиш маҳорати намоён бўлган тасвир: «Келинларнинг лабида Бўсанинг иси қолди».

Шоир шеърларида ҳиссиётини изоҳламайди. Уни шундай бир ифода билан берадики, шу ифода қатида руҳий ҳолатни тўғдирган сабабга муносабат ҳам яширинган бўлади: «Кўнглимда армон ётар **терскайдаги** қор мисол,» дейди бир шеърида. Қуёшга терс тарафдаги қор узоқ вақт эримай, кирланиб ётганидай, лирик қаҳрамон кўнглидаги армон эриб кетадиган эмас, ўшандоқ бўлса, унга шоирнинг муносабати тайин, албатта, ва у ўз-ўзидан шеърхонга ҳам юқади.

Тўра Сулаймон бадиий тажрибалар ўтказишга ўч эмас. У қачонлардир пайдо бўлган тажрибалардан усталик билан фойдаланади. Эски шаклнинг янгича талқинларини топа билади. Шоир сўзнинг бирламчи маъноларига мурожаат этишни ҳуш кўради: **«бўй қиз»** дейди бўйга етган қиз ҳақида, **«бўзалам»** дейди биз чимзор деб юрган тушунчани, **«узангидош»** деб атайди хўп ўзбекча қилиб, хўп таъсирчан қилиб, дўст, тенгдош, жўра, сафдош сингари бир қанча сўзларни исроф қилиб ҳам тўлиқ ифодалаб бўлмайдиган яна бир тушунчани. Тилимизда ҳамиша бўлган, эндиликда айрим кексаларгина қўллаётган хушёр маъносидаги **«соқ»** сўзи жойида ишлатилгани боис ифодавийликни неча баробар ошириб юборади. Тўра Сулаймон сўзга авайлаб, қизғаниб ёндашади. Уларнинг бемаврид йўқолишига йўл қўймасликка уринади. «Тўлганой» достонида «тўрлаб садрга тушганда» деган жумла бор. Тоғлик қипчоқларда ҳаётдан ёш кетган йигитнинг кийимларини от устига ташлаб, от билан садр тушиш одати бўлган. Юқоридаги жумлада ана шу ҳолат ифодасини топган. Беш яшар отнинг йилқичилар тилида **«дўнан»** эканини ҳамма ҳам билавермайди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, у бу хилдаги сўзларни, маълумотларни шунчаки экзотика учун, этнографик далил сифатида эмас, жуда ўринли ва табиий тасвир воситаси тарзида ишлатади.

Т. Сулаймоннинг сўзга алоҳида бир эҳтиёткорлик билан ёндашуви, эҳтироми, фикрларини ҳикмат йўсинида ифодалаганида яққолроқ кўринади. Шоир асарлари синчиклаб кўриб чиқилса, Т. Сулаймон томонидан бир қатор мақолу ҳикматлар яратилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан: **«Сутсиз сигир сузоғон келар», «Тоқатлига тоғлар эгар бошини», «Кувиб ўлган - мангулик, Қочиб ўлган - кўмгулик» ва ҳ.к.**

Эл орасида: «юздан югурик, мингдан тулпор» деган гап бор. Миллатимизаро кенг тарқалган ўнлаб қўшиқларнинг, ўз ўқувчиларига эга бўлган ўн тўққиз китобнинг муаллифи Тўра Сулаймон ўзбек бадиий тафаккурининг камёб сиймоларидан бири. У ҳамон қизғин ижодий фаолият билан банд. «Ўлмасликка ишора ўланга ошиқлигим,» дея умидланган шоирга ижодий омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

3

Ўзбек футболининг халқаро нуфузи

Эртага миллий чемпионатнинг якуниловчи давраси ўйинлари бошланади

Ўзбек мухлисининг ўзига хос томонлари бор. Ишқибозларимизнинг ўша Европа ёки Лотин Америкаси ўйингоҳларини ларзага солаётган мухлислардан сира кам жойлари йўқ. Мана, 8 йилдирки мустақил Ўзбекистоннинг миллий чемпионати ўтказилмоқда. Бу сафар ҳам чемпионатнинг оралиқ марраси, яъни биринчи давра билан иккинчи давра ўртасидаги довондан ошиш кезларида ўзига хос танаффус бўлди. Минглаб ишқибозлар футболни соғинишди. Афсуски, ҳар гал учрашувга келамизу уҳ тортамиз, ташвишга тушамиз. Нега? Сирасини айтганда ўтган замонлар бунчаликни ҳис этмасди назаримда. Энди эса бошқача. Телевидениенинг хосияти билан ахборот, хабарнома ёки бирор воқеадан кейин мамлакатимиз футболи билан боғлиқ турли кўрсатувлардан сўнг албатта, жаҳон майдонларида тўп сураётган йигитларни кўришга мушарраф бўлиб турибмиз. Мухлислар эса талабчан, зукко бўлиб қолишган. Тездагина миллий чемпионатимиз ўйинлари билан жаҳоний учрашувлардаги ҳаракатларни қиёслаб, «баҳоси»ни чиқаришади.

Тўғрисини айтганда олий ва биринчи лигада тўп сураётган футболчиларимизнинг ҳаракатларидан кўнгил тўлмайди. Негадир тезкорлик, тўп оширишдаги аниқлик, ўзига хос алдаб ўтишлар, югуришни ўрнига қўйиш, жамоани таъбир жоиз бўлса бир ёқадан бош чиқаргандек аниқ мақсад йўлида интилиши кўзга ташланмайди. Дарвоза атрофида хавфли ҳолатларни юзага келтириш, бурчак тўплари имкониятларидан фойдаланиш, кутилмаганда зарб билан муддаога эришиш каби футболда кутилмаган тасодифлар деб аталувчи бетакрор манзараларни кўпдан бери соғинганмиз. Ваҳоланки, мамлакатда халқимиз футболсеварлиги, спортнинг бу турини ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар етарли экани инобатга олинган деярли кетмакет ҳукумат қарорларига катта умид боғлагандик.

Албатта, уч йил аввал эълон қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг ижроси ўз самарасини бера бошлади. Айтайлик мазкур қарорнинг ижро талаб 22 бандидан 17 таси деярли ижобатга ўтган. Қолганлари устида ҳамон изланишлар бормоқда. Жумладан, олий лига жамоалари профессионаллик мақомини олишган. Лекин, том маънодаги профессионал жамоага айланиш осон эмас. Ҳозирча бор-йўғи олий лигачиларнинг 7 жамоаси бу борада 40-60 фоиз ҳисобида ўз хўжалигини юритмоқда. Қолган 6 тасида бу борадаги ўсиш 15-20 фоизни ташкил этиб турибди, холос. Биргина «Қизилқум» жамоаси иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини қоплаш бўйича мустақил дейиш мумкин. Кўпчиликни бундай ахволнинг сабаби қизиқтириши табиий. Ўйлаймизки, бу борада юксак натижага эришиш учун аввало мухлисларни ром этадиган, тўпларга бой, ҳужумкор, керак бўлса шиддатли ўйин кўрсатиш лозим. Ўшанда ишқибозлар экран қаршисида ўтирмай ўзларини ўйингоҳларга чоғлайдилар. Куни кеча миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилишда келтирилган рақам кишини ҳам қувонтиради, ҳам ўйлантиради. Маълум бўлишича ҳозир ўйингоҳларимизда ҳар бир учрашувга ўртача 10,5 минг киши тўпланаркан. Ҳудди шундай вазият Россия шаҳарларида 8 мингни ташкил қиларкан. Бир қарашда ютуғимиз бордек. Аммо, нима учун биз ютуқ-камчиликларимизни Россия футболига нисбатан муқояса қилишимиз керак. Ҳуқуқий демократик буюк давлат қуриш йўлида саъй-ҳаракат қилаётган юртимизнинг футболи ҳам келажакда сўзсиз ўша Европа ёки Лотин Америкаси футболчилари довруғи йўлида изланса яхши эмасми. Бу ҳам эзгуликда.

Футболимиз ривожидаги дардли ҳолатлардан яна бири жамоаларга айниқса, терма жамоаларга ҳар жиҳатдан етук, малакали юқори савияли мураббийларнинг етишмаслигида бўлиб турибди. Истиқлол йилларида футболимиз бор-йўғи бир мартагина «йилт» эттиёв. Бу ҳақда кўп ва хўп сўзланган бўлсада яна ўша Хиросимада эришилган зафардан бошқаси ёдга келмайди. Ваҳоланки, ўшанда футболимизда битмас имкониятлар борлиги намоён бўлганди. Аммо шундан кейинги изланишлар афсуски самарасиз кечмоқда. Аввало, миллий терма жамоа ҳақида футболга дахлдор барчанинг қуюнчаклиги етишмаяпти чоғи. Акс ҳолда, ҳар бир жамоа, ҳар бир мураббий, қолаверса ҳар бир футболчи Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро нуфузини кўпроқ ўйлаган ва қўлидан келганича бош жамоани мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган бўлурди. Шунинг учун ҳам миллий жамоамизнинг Осиё ўйинлари, Осиё кубоги, жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидаги чиқишлари миллионлар ҳафсаласини пир қилди.

Сўзсиз Ўзбекистонда футболни яхшилаш йўлида ҳаракат йўқ, деган фикрдан йироқмиз. Ҳаракатлар бор, интилишлар жойида. Фақат самараси кўнгилдагидек бўлмай турибди, холос. Бултур баҳор чоғида миллий терма жамоани ёшартириш билан боғлиқ юмушлар ҳам чакки бўлгани аён бўлиб қолди. Кейин олимпиа терма жамоасига «куч» бериш баҳонасида бош жамоа андек ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шу кунларда эса миллий жамоамизга янги мураббий тайёрланиб, қандай бўлмасин, келаси йили бошланадиган Осиё чемпионатида ёруғ юз билан чиқишлар қилишга барча ҳаракатлар сафарбар қилинмоқда. Самарқандда ўтказилган халқаро турнир чакки бўлмади. Майли Таиландга бориб ўртоқлик учрашуви бой берилган бўлса ҳам ўйинчиларни пишиқтириш маъносида буни ҳам яхшиликка бурайлик. Ёшлар терма жамоаси Озарбойжон сафарида бўлди. Ўсмирларимиз 18 августда Германияга йўл олади. Худди шу куни Озарбойжон футболчилари бош терма жамоамиз билан учрашгани келадилар. Бош жамоани тажрибали жаҳон талабларига мос мураббий билан таъминлаш йўлида ҳаракат бор. Бу йил куздан бошлаб Равшан Ҳайдаров, Фарҳод Могаметов ва Игорь Шквиринларни Германияда 6 ойлик мураббийлик курсида ўқитиш мўлжалланмоқда. Демак, «меҳмон» бўлиб кетган бразилиялик Вега Де Сильва ҳамда олмон Клаус Ханслар учун бизда иш қолмадиёв.

Албатта, юртимизда футболсеварлар бисёр. Уларнинг кўнглини олиш, ҳар бир учрашувни ўзига хос байрамга айланишини таъминлашимиз заруриятга айланмоғи даркор. Шу жиҳатдан қараганда биринчи марта Президент кубоги учун супертурнир — мамлакат чемпиони «Пахтакор» билан кубок соҳиби «Навбаҳор» ўртасида Фарғонада ўтказиладиган учрашувга мухлислар катта умид боғлашмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ

Миллионер бўлган аёл

Аёллар йилида тошкентлик Раиля Зиннатованинг омади келди. У «Бритиш Американ Тобакко» Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан ўтказилган «Хон-1999» бош совринни уч миллион сўмнинг бахтли соҳибаси бўлди.

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залида ютуқлар ўйини бўлиб ўтди, ютуқлар орасида 10 та телевизор, 20 та видеоплеер, 30 та аудиоплеер қўйилганди. Ана шу қимматли ютуқларни ва албатта «Хон-1999» бош совринини олиш истагида бўлганлар кўпчиликни ташкил этди. «Хон» сигареталари истеъмолчиларини рағбатлантириш дастури доирасида ўтказилган ажойиб ўйинда иштирок этиш учун 250 мингта хат тушган эди. Бу хатлар ҳар бири юз килограммни ташкил этган 36 қопга зўрға жойланди. Ўзбек эстрадасининг таниқли гуруҳлари — «Болалар», «Анор», «Сидериз» ва бошқалар иштирокидаги ташкил этилган мароқли томоша давомида ютуқлар ўз эгасини топди. Бош соврин соҳибасининг номини залдагилар бир зумда эслаб қололмадилар. Раиля Зиннатова 3 миллион сўмни олади. Омад келса ҳеч гап эмас эканда. Таниқли актёр Рустам Саъдуллаевнинг қўли унинг учун енгил келди. Минглаб хатлар орасидан у «тортган» хат Раиляники экан. Шундай қилиб «Хон» савдо маркасига ўз истеъмолчилари учун амалга оширган учинчи тадбири ҳам ниҳоясига етди. Бундан аввалги иккитаси «Хонни сотиб олинг, машина эгаси бўлинг» шиори остида ўтган эди.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Кимда-ким республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришда амалий ёрдам бериш бўйича аниқ таклифларга эга бўлса, юзага келган масалаларни ҳал этишда **«Асака»** банк ёрдами зарур бўлган барча шахслар **ҳар куни** (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) **соат 10 дан 17 гача**

(371) 120-62-52 ишонч телефони орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

ASAKA BANK

Тошкент ш., Нукус кўч., 67 уй

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-61-34;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф БЕКМУРОДОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 21.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83